

ISSUES OF STUDYING UZBEK FOLK BELIEFS

Muminova Nodira Mahmudovna

Senior Lecturer, Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

Muminova Nodira Mahmudovna

Senior Lecturer of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

Muminova Nodira Makhmudovna

Senior teacher of Andijan agriculture and agro technologies Institute

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИНОНЧ АЙТИМЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ВЕРОВАНИЙ

ISSUES OF STUDYING UZBEK FOLK BELIEFS

Мўминова Нодира Махмудовна

Андижон қишлоқ хўжалик ва агротехнологиялар институти катта ўқитувчиси

Муминова Нодира Махмудовна

Старший преподаватель Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий

Muminova Nodira Makhmudovna

Senior teacher of Andijan agriculture and agro technologies Institute

Annotation. This article is focused on the questions of scientific study of such paremiological genres of folklore as proverbs, adages, spells, benison, winged words, gregorie, paradox, curse, prayers, beliefs and eloquences which possessa a special place in oral folk creativeness even centuries later.

Keys words. Proverbs, adages, spells, benisons, winged words, gregorie, paradox, curse, prayers, beliefs and eloquences, folklore, paremiological genre, tale, legend, tradition

Аннотация. Ушбу мақолада жaxon халқлари фольклоршунослигида алохида ўринга эга бўлган ўзбек халқи асрлар мобайнида оғзаки тарзда яратиб, сақлаб келган мақол, матал, афсун, дуо, қанотли сўзлар, аниқ ифодалар (грегория), мантикий ва ғайримантикий иборалар (парадокслар), йиғи, йўқлов, олқиш, қарғиш, сўқиш, топишмоқ ва образли (юмук) ибора, фол ва инонч айтим сингари кичик ҳажмли асарлардан иборат паремиологик жанрлар ва уларнинг илмий асосда ўрганилиши хақида сўз боради.

Аннотация. В данной статье освещен вопрос о научном изучении таких паремиологических жанров фольклора, как пословицы, притчи, заклинания, благословения, крылатые слова, грегории, парадоксы, проклятия, молитвы, верования и красноречия, которые и спустя века занимают особое место в устном народном творчестве.

Калит сўзлар. мақол, матал, афсун, дуо, қанотли сўзлар, аниқ ифодалар (грегория), мантикий ва ғайримантикий иборалар (парадокслар), топишмоқ, ва образли (юмук) ибора, фол, инонч айтим, фольклоршунослик, паремик жанр, эртақ, ривоят, афсона

Ключевые слова. пословицы, притчи, заклинания, благословения, крылатые слова, грегории, парадоксы, проклятия, молитвы и красноречии, фольклор, паремический жанр, сказка, легенда, предание.

Дунё иждокорлари тўғри таъкидлашганидек, сўз – муқаддас бойлик. Қайси лаҳжада талаффуз этилмасин, ундан миллат руҳи уфуриб туради. Сўзнинг бизга маълум ёки унутилган қатламларида оммавий эътиқод, урф-одат, тарихий ва афсонага айланган воқеалар ҳамда бошқа маънавий қадриятлар яшайди. Фақат унинг маъно товланишларига аждодларимиз сингари эътиборлироқ бўлиш, қадрини туширмаслигимиз талаб этилади.

Барча халқларнинг илк айтимларида кундалик ҳўжалик юритишга оид тажриба ва билимлар мифологик тасаввурлар билан қоришиб кетганлиги учун этимологик таҳлил жараёни жуда мураккаблашади. Бу илмий жараёни Навоий ғазаллари таҳлиliga ўхшатиш мумкин. Хазратнинг битта ғазали шарҳида тасаввуфни пухта ўрганган адабиётшунос билан ғазал поэтикасини яхши биладиган адабиётшунос ва учинчи тарафдан замонавий шоир уч хил талқинни баён этганлари сингари энг қадимий паремаларга ёндашув ҳам юқорида айтилган мураккаблиги жаҳатидан қутилмаган хилма-хил хулосаларни келтириб чиқаради. Демак, паремияга мурожаат қадим замонлардан бошлаб барча халқлар донишмандлигининг ўта ихчам ва пурмаъно ифода зарурати туфайли нутқий анъанага айланган экан, бугунга қадар жамланган паремик асарлар мазмуни ва бадиияти, миллий характер белгилари ва маиший амалиётга йўналганлиги жиҳатидан миллат даҳосининг камолот даражасини англади. Миллий тафаккурнинг қадимий кўринишлари эса ўзлигини англаган бугунги замон зиёлиси учун ҳамиша қизиқарлидир. Зотан, мифология фалсафий ва тарихий тафаккурнинг тамал тоши сифатида майдонга келар эканб, муайян ижтимоий-этник гуруҳга мансуб анимистик, тотемистик, фетишистик ва ўзга хил инонч тизими ва анъаналарини қайд этади ҳамда уларнинг инсоният тараққиётидаги этиологик вазифаси ва аҳамиятини уқтиради.

Маълумки, халқимиз хотирасидаги соф бадиият билан йўғрилган фольклор дурдоналари сўнгги юз йил ичида катта ҳажмда ёзиб олинди ва илмий асосда ўрганиб келинмоқда. Миллатдошларимиз асрлар мобайнида тўқиган ва сақлаб юрган маиший-амалий (утилитар) вазифани бажарувчи оғзаки ижод намуналарини эса тўлиқ тўпланган ва атрофлича тадқиқ этилган деб бўлмайди. Ҳаёт ходисалари тўлқинлантирган оний ҳиссиёт ва тизма нутққа асосланувчи лирик, қўламдор эпик тасвир ва сочма нутққа таянадиган насрий ҳамда сахнада икки соатдан ошмаган вақт ичида ижро этилиши учун мўлжаллаб яратилган, ҳаракат, ремарка ва хаяжонли диологлар орқали ифодаланувчи драматик турлар доирасига кирмайдиган бундай асарлар жамламасини проф. Б.И.Саримсоқов бундан қарийб ўттиз йил аввал паремия деган тўртинчи адабий тур намуналари сифатида баҳолаган эди ¹. “Паремик адабий тур доирасига,-деб ёзади у ушбу мавзуга оид кейинги бир мақоласида,- мақол, матал, топишмоқ, қанотли сўз ва иборалар, гномалар, хокку, фард ҳамда муаммо, грегориялар, парадокслар, эпиграмма каби жанрлар мансуб бўлиб, улар ўзларининг шаклий хоссалари, тузилиши, ва воқеликни образли акс эттириш тарзи, бадиийлиги билан бошқа адабий турлардан кескин фарқланиб турадилар”.

“www.worldmagik.ru” сайтида 2011 йилнинг 22 ноябрь куни эълон қилинган маълумотда ёзилишича, Германиядаги Гётебург университетининг авиация ёқилғисини молекуляр даражада тозалайдиган нанофилтрларни кашф этган машҳур физик профессори Крис Ван Штальссен ҳамкасбларининг кулгусига қолишига қарамасдан, ўн тўрт нафар талаба ва аспирантлари ҳамкорлигида икки йил мобайнида йўлини мушук (асосан қора мушуклар) кесиб ўтган беш юз нафар европаликлар таассуротларини тўплаш билан шуғулланган. Унинг сўров ва таҳлиллар юзасидан ҳисоботи мазкур университетнинг "Contemporary science and the surprising discoveries" (“Замонавий фан ва кашфиётлар ғаройиботлари”) номли нуфузли илмий журналида эълон қилинган. К.В. Штальссен ҳисоботни университетнинг илмий кенгашида ҳам ўқиб эшиттиргач, олимлар ҳайратга тушганлар. Чунки ҳисоботда қайд этилишича, мушук йўлини кесиб ўтган йўловчилар дуч келган хатарли оқибатлар билан халқнинг шу ҳолатдан огоҳлантирувчи анъанавий оғзаки инонч айтимлари тўксон фоиз даражада мос келган.

Масаланинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дунё фольклоршунослигининг бугунги тараққиётида жамоавий оғзаки ижодиётнинг шу сингари жанрлари этнопоэтикасини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Этнопоэтикага бой фольклор асарларини тўплаш ва глобаллашув жараёнида этник маданият унсури сифатидаги хусусиятларини синчиклаб ўрганиш турли халқлар ўртасидаги бағрикенглик ва ўзаро маданий ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришда ҳам сезиларли ўрин тута бошлади. Бу борада, айниқса, фольклорнинг бошқа намуналарига нисбатан ахборот ташиши жиҳатидан устунлиги билан ажралиб турадиган паремик жанрларнинг ўрни ва аҳамияти бўлакча. Энг қизик жойи шундаки, дунё халқлари яратган айтимлар умумий мазмуни муштарак бўлиши баробарида, миллий характер, яшаш минтақаси ва бошқа сабабларга кўра бир-бирини мантиқан инкор этувчи жиҳатларга ҳам эгадир. Шу боисдан қардош бўлмаган халқлар перемиологиясида, айтайлик, битта табиат ҳодисасининг сабаб ва оқибатлари мутлақо бошқача талқинини топган бўлиши мумкин. Чунки парема ёки фольклорга хос микромаънотга ҳудуд жиҳатидан бир-биридан узокда яшовчи халқларнинг (этномаданий социумларнинг) универсал ва уникал баҳо ва хулосалари муҳрланган бўлади.

Ҳикмат ва донолик билан суғорилган ҳамда руҳиятга таъсир кўрсатиш қудратига эга бўлган иборалар мажмуига нисбатан Озарбайжон ва Туркия турклари “deyumler”, қозоқлар эса “улгі соз” деган атамани қўллайдилар. Қрим фольклоршунослигида ҳам ҳажман кичик, таъсирчан ва донишмандлик билан йўғрилган жанрлар умумлашган ҳолда “айтим” термини билан юритилади. Рус тилида айтимнинг “изречения” деган истилоҳи мавжуд. Владимир Даль ушбу термин хусусида қуйидагича тушунтириш беради: **“Изреканье, изречение... краткая речь, апофегма, девизъ, поучения, правило, замечательная мысль въ немногихъ словахъ... Изрокъ – судъ, осуждение, приговоръ...”**. В.В. Радлов ҳам ўзининг машҳур туркий шевалар луғатида “аідым – 1) разговоръ, сообщеніе; 2) песнь, пеніе; аідымчы – певецъ, импровизаторъ” ёки “аітув, айттыр” сўзларига алоҳида тўхталиб, “речь, слово... приказать, велить, заставить говорить, заставить сознаться” деган изоҳларни бериб ўтади.

Кези келганида “айтим” тушунчасининг халқ ибораларидан фарқи масаласига тўхталиб ўтиш жоиздир. “Ибора бирор тушунча ёки фикр ифодаловчи сўзлар бирикмаси; таъбир. Образли ибора... Фразеологик ибора маъно жиҳатдан яхлит бир бутунликни ташкил этувчи бир неча сўзлардан иборат бирикма”

Маълумки, ўзбек халқи асрлар мобайнида оғзаки тарзда яратиб, сақлаб келган мақол, матал, афсун, дуо, қанотли сўзлар, аниқ ифодалар (грегория), мантиқий ва ғайримантиқий иборалар (парадокслар), йиғи, йўқлов, олқиш, қарғиш, сўқиш, топишмоқ ва образли (юмуқ) ибора, фол ва инонч айтим сингари кичик ҳажмли асарлар перемиологик жанрлар деб юритилади. Шу ўринда бир тушунчага аниқлик киритиб ўтиш лозим бўлади. Масаланинг моҳияти шундан иборатки, юқорида саналган жанрлар барча халқларнинг кундалик маиший ҳаётида алоҳида ижрочи, ижро ўрни ёки фурсатини танлаб ўтирмай қўлланаверадиган “навбатчи” айтимлардир. Халқ ижодиётининг дoston, эртак, ривоят, афсона, ўлан ва бошқа жанрлари учун эса махсус тайёргарлик кўрган шахслар маҳорати, алоҳида вақт ва жой талаб этилади. Шундай экан, ҳажман катта ва соф бадий вазифани ўтовчи жанрлардан фарқлаш мақсадида биз грекча “paremia” терминига “айтим” сўзини синоним ҳолда қўллаш таклифини киритамиз. Зотан, бу атама ўзбек лексикологиясидаги илмий терминлар қаторидан аллақачон жой олган бўлиб, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да таърифланишича: “Айтим – хонанда иштирокида ижро этиладиган турли шакл ва ҳажмдаги ўзбек мусиқа фольклори жанрлари (қўшиқ, ялла, терма, лапар, ашула, маросим қўшиқлари ва б.), вокал мусиқанинг халқ (асосан, Хоразм)даги атамаси”.

Кези келганида “айтим” тушунчасининг халқ ибораларидан фарқи масаласига тўхталиб ўтиш жоиздир. “Ибора бирор тушунча ёки фикр ифодаловчи сўзлар бирикмаси; таъбир. Образли ибора... Фразеологик ибора маъно жихатдан яхлит бир бутунликни ташкил этувчи бир неча сўзлардан иборат бирикма”.

Мажозий маънода ишлатилмаган паремаларда образлилик ва бўёқдорлик етишмайди. Улар учта белгига эга, яъни бирхадли эмаслиги (кўпкомпонентлик), муомалада кўчма маънода ва турғун ҳолатда ишлатилиши ва шу икки белгининг ишлатилмаслиги натижасида бошқа тил бирлигига айланиб кетиши. Бинобарин, паремик коннотация семантик мазмуннинг интенсивлиги ва белгилар пайдо бўлишининг жуда юқори даражаси бўлиб, сўзловчининг объект ёки жараёнга бўлган муносабатини акс эттирувчи, паремалар томонидан белгиланувчи ёки характерланувчи белги экспрессивлик ва эмоционаллик дейилади. Ушбу муносабатлар кинояли, ҳазиломуз, беилтифот, нафрат ёки камситиш маъносида бошқа ифода шаклларида бўлиши мумкин.

Экспрессивлик эса кўп сонли паремаларни когнитив турларга ажратишга имкон яратади, инсоннинг ҳис-туйғуси ва ички кечинмаларини ифодалашга хизмат қилади. Улар маълум бир муҳитдаги ижтимоий, индивидуал ҳамда ҳиссий муносабатларни билдиради ва инсоннинг рухий, ақлий, ҳиссий фаолияти инъикоси ҳисобланади. Зотан, экспрессивлик - нутқ субъектининг инсоният дунёсининг ички ва ташқи унсурларига бўлган эмотив муносабатдаги тил моҳиятининг инъикосидир. Ифодалилик (образлилик) деганда одатда, бадий тилнинг нарса ёки жараён ҳақидаги кўрғазмали, хаяжонли тушунчаларни ярата олиш қобилияти тушунилади. Ифодалиликнинг моҳияти нутқнинг маъносини, таъсирчанлигини маълум даражада оширишдир. Ифодалилик ва экспрессивлик ўзаро боғлиқдир, лекин у экспрессивликни яратишдаги воситалардан бири сифатида айнан лексемаларнинг аниқ ва кўчма маънода қабул қилиниши ўртасида маълум тафовут мавжуд. Демак, фикримизча, ўзбек халқ инонч-айтимларидаги образлилик эртак, дoston ёки кўшиқлардаги ифодалиликдан ўзига хос хусусияти, қисқа, лўнда кўриниши, кесатик, киноя маъноларни англатиши ва мажозий маънолар ифодаланиши билан фарқланади.

Энди ўрганилаётган жанр номидаги “инонч” сўзининг маъноси хусусида ҳам тўхталиб ўтсак. Унга “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, миллий энциклопедия, “Ўзбек совет энциклопедияси” ва В.В. Радловнинг юқорида тилга олинган туркий сўзлар луғатида изоҳ берилмаган. Аммо бу илмий атама ўзбек фольклоршунослигида XX асрнинг 70-йилларидан буён халқимизнинг табиат ва жамият ҳодисаларига доир диний ва мифологик тушунчаларини ифодаловчи термин сифатида кенг қўлланиб келинади.

Бундан келиб чиқадики, инонч айтим тушунчаси юқорида рус тилининг изоҳли луғатларида келтирилган предзнаменование, нерушимое наставление, предвесье, изреканье ёки поучение сўзлари англатадиган умумий маънога тўғри келади

Кўриняптики, гап оддий тил ҳодисаси тўғрисида кетаётгани йўқ. Инонч айтимми, сўқишми, олқишми, қатъи назар, конкрет контекст (тагмант) доирасидагина ўз стилистик-семантик имкониятларини намойиш этаолар экан. Афсуски, инонч айтимларнинг фольклористик табиатига оид барча жихатларини битта мақола доирасида баён этишнинг имкони йўқ.

Адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. 1-том. М., “Рус тили”. 1981.Б. 333.
2. Халғимизнинг дежимлари ва дужумлари. Бакы. “Маариф”.1986.; Özbek-türk ata cözleri ve deyimleri cözügü. Öz-dilm özbek-türk liseleri. Taşkent. 1998. Б.6.
3. Қайдар А., Оразов М. Туркітануға кіріспе. Тортінші баспа. «Арыс». 2004. Б. 26
4. Бекиров Д.Ж. Кърым татар халкъ агъыз яратыджылыгы. –Т.. Ўқитувчи. 1988. Б.. 157-166.

5. Ибрагимов И. Пословицы и поговорки//Исследования, посвященные устному народному творчеству Азербайджана. Кн. I (на аз. яз). Баку: Изд-во АН Аз.ССР, 1961.- С.133-156;
6. Мирзаев Т. Ўзбек халқ достончилигида бадий маҳорат. –Т., Фан, 1969;
7. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. –Т., Фан, 1974;
8. Хусайнова З. Ўзбек топишмоқлари.-Т., 1966;
9. Сафаров О. Болаларни эркаловчи ўзбек халқ қўшиқлари. –Т., Фан, 1983;
10. Мирзаева С.Р. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадийлиги. НДА, -Т., 1993;